

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Джалилова Марҳабо Аброровна

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги

19-мактабнинг Олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси.

Аннотация: Таълим, мамлакат, тарбия, тизим, ўқувчи, технология, фаолият, қобилият, билим ва кўникма, жараён, метод, устоз ва мураббий, восита, ўзлаштириш, бошланғич синф.

Калит сўзлар: Таълим-тарбия, ўғил-қизлар, тизим, технология, метод, жараён, фаолият, машғулот, кўникма.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўғил-қизларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши, турли касб –хунар ўрганиши ва тўғарақларга жалб қилиниши долзарб аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам бошланғич синфларданок, ўқувчилар турли хилдаги яъни “Хусниҳат”, “Ёш математик”, “Билимдон” , “Кимнинг хати чиройли” ҳамда “Ким кўп ўқийди” сингари тўғарақларга жалб қилиниб, билимларини ошириб боришаётир. Барчамизга маълумки, таълим жараёни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, шу жараёнда шахснинг таракқиёти, унинг маълумоти ва тарбияси ҳам бевосита амалга ошиб бораверади. Унутмаслигимиз керакки, дарсларда ўқитувчи ўз билими, кўникма ва малакаларини машғулотлар воситасида ўқувчиларга етказди, ўқувчилар эса уни ўзлаштириб бориши натижасида ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлади. Ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўзлаштиришнинг турли кўринишларидан фойдаланишади, яъни ўзлаштирилаётган маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ҳамда амалиётга татбиқ этишда ўзига хос тафовутларга таянади. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларларнинг дарс пайтидаги ҳамкорлиги, ўқувчиларнинг мустақил ишлаши, синфдан ташқари ишлар шаклида таълим ва тарбия масалалари ҳал этилади. Биламизки, таълимнинг мақсади жамият

эхтиёжига мос равишда шаклланади. Шундай экан, таълим-тарбия мақсади ҳар доим ҳам бир –бирига мос ва мутаносиб бўлиши керак. Улуғ донишмандлардан бири «... келажак ташвиши билан яшасанг, фарзандларингга яхши билим бер, ўқит», деган экан. Юртимизда таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақиқий маънода бир-икки йиллик ёки қисқа даврда самарага эришишга қаратилган иш эмас, балки чин маънода бир неча юз йилларга татийдиган ўзгариш бўлди, десак хато бўлмайди. Маълумки, таълимда илғор педагогик ва янги ахборотлар технологияларини татбиқ этиш ўқув машғулотларининг самарадорлигини оширибгина қолмай, илм-фан ютуқларини амалиётда қўллаш орқали мустақил ва мантикий фикрлайдиган, ҳар томонлама баркамол юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугунги кунда таълимда «Ақлий хужум», «Фикрлар хужуми», «Тармоқлар» методи, «Синквейн», «БББ», «Бешинчиси ортикча», «бхбхб», «Баҳс-мунозара», «Ролли ўйин», ФСМУ, «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Юмалоқланган қор», «Зигзаг», «Охирги сўзни мен айтай» каби замонавий технологиялар қўлланмоқда. Юқоридаги методлар дарс машғулотларида ўйин-топшириқларни такрорлаш ёки мустаҳкамлаш дарсларида фойдаланилса ижобий натижа беради. Ўйин-топшириқнинг қайси бир турини танлаш дарснинг турига, синф ўқувчиларининг ўйин-топшириқларни бажаришга ўргатилганлик даражаси, уларнинг билим савияси, мустақил ижодий ишлаш имкониятлари, ўрганилганларни хотирада тез тиклай олиши, ижодкорликнинг қай даражада шаклланишига ҳам боғлиқ бўлиши керак. Шунинг ҳам алоҳида эътироф этишимиз керакки, бугунги кун ўқитувчидан илғор педагогик ва янги ахборотлар технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишни талаб этмоқда. Аввало, юқоридагилардан келиб чиқиб, тажрибаларимиз асосида дарс машғулотларида интерфаол методларни қўллаш орқали таълим-тарбия бериш йўлларида доир фикрларимизни баён этамиз. Ўйлаймизки, у ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишда ҳамкасбларимизга амалий ёрдам беради. Ўқувчилар

мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида ушбу метод алоҳида аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1. Интернет манбалари**
- 2. Умида Мамаджонованинг , Бошланғич синфда ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш усуллари номли мақоласи.**